

ZUR № 7

ZEF/UNESCO Rivojlanishlari *

Декабрь 2008

ZEF/UNESCO лойиҳасининг Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича илмий ишланмаси

Ўзбекистонда сув хўжалиги ташкилотлари ва СФУ ларни мустаҳкамлаш

Қисқача тавсиф

Ушбу илмий қўлланма Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришни янги имкониятларини ўрганишга ва уни ташкилий, институционал ва стратегик даражада яхшилланиш усулларини тавсия қилади.

Изоҳ

Ҳозирги кунда барчага маълумки, сув захираларини бошқариш бу ижтимоий-сиёсий жараён бўлиб, сув хўжалигида техник жиҳозлар, инфратузилма ва инсон фаолияти бир хил ўрин тутди. ZEF/UNESCO лойиҳасининг Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича амалга ошираётган фаолиятининг бир қисми сифатида бешта Сувдан Фойдаланувчилар Уюшмаларида ижтимоий-техник таҳлил ўтказилди. Бунда эътибор 2008 йилда рўй берган сув танқислигининг салбий томонларини бартараф қилишга қаратилди. Ушбу изланиш келгусида сув танқислиги туфайли рўй бериши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш, ҳамда сувдан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳолда сув хўжалиги тизимини бошқаришга ижобий ўзгаришлар киритишнинг асосий жараёнларини тушунишга ёрдам беради.



1-Расм. Сув хўжалигининг самарадорлигини оширишда фермерларнинг иштироки муҳим.

Сув хўжалиги муаммолари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошланган ер ислохотлари сув хўжалиги бошқарувига таъсир кўрсатди. Олдинги пайтда суғориш сувини фақат бир неча колхозга етказиб берувчи давлат сув хўжалиги ташкилотлари энди кўп сонли индивидуал фермерлар билан иш олиб бориши зарур эди. Натижада янги қишлоқ хўжалиги тизими ва эски корхоналар ва ташкилотларнинг қонун-қоидалари ва иш юритиш амалиёти орасида номуносиблик пайдо бўлди. Сув захиралари танқислиги сув тақсмоти жараёнини қийинлаштирди, айниқса, ирригация тизимининг охирида жойлашган ер майдонлари учун сув етказиш муаммога айланди, ҳосилдорликнинг пасайиши, тупроқнинг шўрланиши, саҳролашиш, кўллarning қуриши ва биохилма-хилликнинг камайиш жараёнлари кучайди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳукумати фермер хўжалиklarини йириклаштириш тадбирларини олиб бормоқда. Бунда фермер хўжалигининг умумий ер майдони камида 80 – 100 гектарни ташкил этиши керак. Ушбу тадбир пахта ва ғалла етиштирадиган йирик фермер хўжалиklarга сув етказиб беришни осонлаштиради. Бироқ, кичик ер майдони эгалари ва қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда сувдан фойдаланувчиларнинг сув таъминоти ҳам ўрганиб чиқиши зарур бўлган масалалардир.



German Ministry
for Education
and Research (BMBF)



Zentrum für Entwicklungsforschung
Center for Development Research
University of Bonn



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



Сувдан фойдаланувчилар ва сувни етказувчилар

1999 йилда Ўзбекистон ҳукумати сув хўжалигида ширкатларнинг тугатилиши туфайли пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириш учун Сувдан Фойдаланувчилар Уюшмаларининг (СФУ) ташкил қилиниши ҳақида қарор қабул қилди. Расман СФУ лар фермерларнинг ташкилоти ҳисоблансада, кўпчилик фермерлар уларни давлат сув хўжалиги ташкилоти деб ҳисоблайди ва СФУ фаолиятида кўпинча ўз ўрин ва вазифаларини билмайдилар. Бундан ташқари, кундалик фаолиятни самарали юритиш учун СФУ ларда техник воситалар етишмайди. Шундай бўлишига қарамай, СФУ ларнинг сув бошқариш услубияти олдинги колхозлардан тубдан фарқ қилади. Ҳозирда СФУ лар ривожланишнинг динамик босқичида бўлиб, фермерларнинг сув таъминотини яхшилаш учун кенг имкониятлар таклиф қилмоқдалар.

Ўзбекистон ҳукумати ва кўпчилик халқаро донор ташкилотлари ўз фаолиятларида сув инфратузилмасини яхшилаш учун кенг қамровли лойиҳаларни ишлаб чиқиб уларни жорий қилишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сув хўжалиги бошқарувини яхшилаш аспектларига одатда ирригация инфратузилмасига қараганда камроқ эътибор қаратилади. Аммо ирригация инфратузилмаси фақатгина сув хўжалиги ташкилотлари ва СФУ аъло даражада фаолият кўрсатгандагина яхши ишлайди. Шунинг учун биз ушбу техник жиҳозлаш ишлари билан бир қаторда сув хўжалиги ташкилотлари ва СФУларни ташкилий ривожлантиришни ўз ичига олувчи режаларни амалга оширишни ҳам тавсия қилган бўлардик.

2008 йил қурғоқчилик таъсири

Изланишлар натижасига кўра, 2008 йилда қурғоқчилик даврида Хоразм вилоятининг кўпчилик СФУ лари вегетация мавсумида (апрель ойдан сентябрь ойигача) сув танқислигига дуч келишди. Оқибатда, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг пасайиши кузатилди ва бу қишлоқ аҳолисининг яшаш даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди.

Мазкур сув танқислиги ҳолатида, айниқса канал тизимининг охирида жойлашган ер майдонларида, ўзларининг яшаши ва экинларнинг сувга бўлган талабини қондириш учун ҳаракат қилаётган қишлоқ аҳолисининг заруриятларини қондиришда ва муаммоларини ечишда мавжуд қийинчиликлар яққол кўриниб қолди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сувдан фойдаланувчилар ташаббусни ўз қўлларига олиб, сувга бўлган талабларни қондириш учун жамоа ишларини кенг кўламда амалга оширдилар. Шу жумладан, насос орқали суғориш жадвали тузилди, одамлар ўз яқин атрофидаги ирригация ва дренаж тизимида таъмирлаш ишларини ўтказдилар, ўзлари яшаётган жойларнинг заруриятлари ҳақида маҳаллий хокимиятга мурожаат қилиб, вақтинча электр токи мавжуд бўлмаган пайтларда сувни назорат қиладиган қурилма ва канал шлюзларини қайта тузатиш билан шуғулландилар.

Тавсиялар

Сув ресурсларини бошқариш ва тақсимлаш нафақат сув хўжалиги ташкилотларига боғлиқ бўлиб, балки мураккаб ижтимоий ва сиёсий жараён ҳисобланади. Ушбу жараённи тушуниш ва интеграциялашган услубларни ишлаб чиқиш учун ушбу жараёнга албатта барча сувдан фойдаланувчиларни жалб қилиш зарур бўлади. Ўтказилган илмий изланишлар сув хўжалигининг институционал тизимини яхшилаш учун қуйидаги тавсияларни таклиф этишни тақозо қилади:



2-Расм. Сув инфратузилмасининг техник жиҳатдан яхшиланиши институционал ривожланиш билан ёнма-ён бўлиши керак.

- 1993 йилда қабул қилинган сув ресурслари ҳақидаги қонуннинг қайта кўриб чиқиши давомида ирригация тизимидаги суғоришдан бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш учун уларни сувга бўлган талабларини ҳисобга олиш механизминини яратиш зарур.
- СФУ ларнинг сув хўжалиги тизимидаги ўрнини ва мавқеини белгилаб берувчи қонун қабул қилиниши ёки мавжуд қонунларга ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ.
- СФУ ларни гидрографик чегарларда тузиш ва йирик каналларнинг бошқарилишини ҳам СФУларга топшириш сув хўжалигини бошқаришдаги кўпгина муаммоларни хал қилишга ёрдам беради.
- СФУ ларни фермерларга хизмат кўрсатадиган ташкилот сифатида тўлиқ иш олиб бориши учун СФУ лар техник воситалар билан таъминланиши лозим (транспорт, ирригация/дренаж инфратузилмасида техник таъмирлаш жиҳозлари, сув ўлчаш асбоблари). Ушбу техник воситалар давлат ёки халқаро донор ташкилотлари томонидан таъминланиши мумкин.
- 2008 йил қурғоқчилик даврида асосий сув истеъмолчилари бўлмиш фермерларнинг сувни бошқаришдаги биргаликда қилган ҳаракатлари кўпинча ижобий бўлди. Шу сабабли, ирригация тизимининг жорий институционал нуқсонларини бартараф этишда сувдан фойдаланувчиларнинг ижтимоий жиҳатдан жалб қилинишларини рағбатлантириш ва ишларини қўллаб-қувватлаш учун амалий ва ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилиши керак.

НАШРИЁТ

Муаллифлар:

Искандар Абдуллаев, Лиза Оберкирхер, Анна-Катарина Хорнидж, Мехмуд ул-Хассан, Ахмад Маншади. Муаллифлар Ўзбекистондаги ZEF/UNESCO лойиҳасининг илмий ходимлари.

Муҳаррир: Алма ван дер Вин

* ZUR нинг қисқартмаси: ZEF-UNESCO Ривожланишлари. ZUR илмий ишланмаларида илмий лойиҳанинг натижалари ва қўлланган усул-услублари мунтазам равишда чоп этилади.

Тараққиёт Изланиш Маркази томонидан нашр қилинган (ZEF) Олмония, Бонн университети
Ўзбекистон лойиҳаси офиси
тел: + 49 228 731917 ёки 731865
e-mail: khorezm@uni-bonn.de
Интернет саҳифаси: <http://www.zef.de/khorezm.0.html>